БОЛАЛАР ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИДА РЕГИОНАР ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ БАРЬЕР, ДРЕНАЖ ВА ЛИМФОЦИТОПОЭТИК ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК АСОСЛАРИ

Уринов Фаррух Анварович

Андижон давлат тиббиёт институти

Илмий рахбар т.ф.д проф. **Р. Исраилов**

Ўзбекистон ресбупликаси соғлиқни сақлаш вазирлиги республика патологик анатомия маркази

Муаммонинг долзарблиги. Ўткир ичак инфекциялари (БЎИИ) болалар инфекцион патологиялари структурасида этакчи ўринни эгаллайди. Ҳар хил турдаги қўзғатувчилар, жумладан: бактериялар, вируслар, паразитлар инфекцион диарея қўзғатади, бунда микст-инфекциянинг учраш даражаси юқори, ёмон оқибатларини ҳисобга олган ҳолда ушбу инфекцияларнинг олдини олиш, даволаш ишлари илмий даражада олиб борилиши керак. Болалар ўткир ичак инфекциялари кўпинча ўткир, оғир кечиши ва кутилмаган ҳолдаги асоратлар ва оқибатларга олиб келиши сабабли амалий соғлиқни сақлашда ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу касалликлар аксарият ҳолларда чала туғилган, анемияси, иммун танқислиги, ичакда микробиоценози бор ва марказий нерв тизими шикастланган болаларда кузатилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Болалар ўткир ичак инфекцияларида ичак девори лимфоид тўқимасида ва тутқичларида жойлашган регионар лимфа тугунларда ривожланадиган барьер, дренаж ва лимфоцитопоэтик функцияларини намоён қиладиган патоморфологик ўзгаришлар хақидаги маълумотларни ойдинлаштириш.

Тадқиқот объекти.

Тадқиқот объекти сифатида Андижон вилоят ПАБюроси ва РПАМ болалар патологияси бўлими болалар ўткир ичак инфекциясидан нобуд бўлганлар мурдасини текширишда олинган клиник-анамнестик таҳлил, лаборатор, вирусологик ва бактериологик текширувлар маълумотлари, аутопсия пайтида ичаклардан олинган бўлакчалар ва ичак тутқичидан олинган лимфа тугунлар ҳисобланди.

Тадқиқот предмети.

Болалар ичак инфекцияларида ичаклар девори қатламларида ва регионар лимфа тугунларда барьер, дренаж ва лимфоцитопоэтик функцияларини намоён қиладиган патоморфологик ўзгаришлар хақидаги маълумотларни ойдинлаштириш.

Амалий аҳамияти.

Ўткир ичак инфекцияларида болаларнинг клиник-анамнестик, бактериологик ва лаборатор текширув маълумотларининг таҳлил натижалари ушбу инфекцияларнинг олдини ошиш, даволаш тадбирларида клиник врачларга дастури амал сифатида фойдаланилади.